



ЧУЛ ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРНИ МЕХАНИК ТАРКИБИНИ ҲОЛАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18217045>

Бобоноров Бекзод Боймирзаевич

б.ф.ф.д., (PhD) кичик илмий ходим

e-mail: bekzodbobonorov427@gmail.com

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация: Мақолада Қизириқ туманидаги чўл ўтлоқи тупроқларнинг механик таркибини миқдори келтирилган. Унда қум, қумлоқ, енгил қумоқ учратиши мумкин. Тадқиқотлар натижасида олинган тупроқларнинг механик таркиби сув сизими, сув қўтарувчанлиги қобилияти ва унумдорлиги паст даражадалиги билан ифодаланади.

Калит сўзлари: Механик таркиби, унумдорлик, озиқа элементлари, ил заррачалари, йирик қум, ўрта қум.

Аннотация: В статье представлен количественный анализ механического состава почв степных лугов Кызырыкского района. В их составе встречаются пески, супеси и лёгкие суглинки. Механический состав полученных в результате исследований почв характеризуется низкой влагоёмкостью, водоносностью и продуктивностью.

Ключевые слова: Механический состав, продуктивность, питательные вещества, мелкие частицы, крупный песок, средний песок.

Abstract: This article presents a quantitative analysis of the mechanical composition of steppe meadow soils in the Kyzyryk district. These soils include sand, sandy loam, and light clay loam. The resulting soils are characterized by low water holding capacity, water content, and productivity.

Key words: Mechanical composition, productivity, nutrients, fine particles, coarse sand, medium sand.

КИРИШ

Республикаимизнинг кишлоқ хужалигида фойдаланадиган ерларини унумли фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, аввало тупроқнинг хоса-хусусиятларини

ўрганиш тақозо этади. Кишлоқ хўжалигида фойдаланидиган ерларни яъни тупроқларини барча хоса-хусусиятлари, агрокимёвий (гумусли), экологик-мелиоратив ҳолатларини атрофлича ўрганиш, тупроқларда содир бўлган салбий ўзгаришларни



аниқлаш, танланган майдонларда комплекс мониторинг тадқиқотларини ўтказиш орқали ҳудуддаги мавжуд ҳолатни илмий нуқтаи назардан ўрганиш ўз ичига олади.

Тадқиқот жойи ва амалга ошириш услублари. Тадқиқот жойи Қизириқ тумани Бустон массиви қатламли, эол ётқизиқлари билан қопланган ҳайдар тепалиги шлейорлари, суғориладиган чўл ўтлоқи тупроқлардан ташкил топган. Дала шароитида тупроқ кесмалари олинди ва уларни морфологик ва генетик белгилари қайд қилинди. Тадқиқотларни бажаришда генетик-географик, профил-геокимёвий [1], стационар-дала ва кимёвий-аналитик услублардан фойдаланди. Тупроқни умумқабул қилинган услублар бўйича Е.В.Аринушкина [2] қўлланмалари асосида бажарилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Тупроқ ва грунтини далада ёки лаборатория шароитида аниқлашда унинг қаттиқ қисмининг механик ва агрегатлик таркибини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Ўсимликлар учун фойдали бўлган механик таркиби тупроқда сув, ҳавони бир меъёردа бўлишига боғлиқдир.

Сурхондарё ва Шерободдарё конус ёйилмаларида, ҳозирда жадал ўзлаштиришга тортилган, тақир,

тақирли-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир, ўтлоқи, кумли-чўл тупроқлари кенг майдонларни ташкил этади. Бу тупроқларга йиллар давомида ишлов беришлар, суғоришлар натижасида, уларнинг айрим генетик хусусиятлари, кимёвий, сув-физик хоссалари ўзгаришларга учраганлиги аввалги йиллардаги тадқиқотлар билан солиштириш орқали аниқланган. Ҳудуд тупроқлари тақирли, тақирли-ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлар асосан оғир кумоқли бўлиб, майда чанг ҳамда ил фракциялари миқдори заррачалар йиғиндисининг 38-55% ни ташкил этган. Механик таркиб оғирлашиб борган сайин тупроқнинг ҳажм ва солиштирма массаси, ғоваклиги ҳам ўзгариб боради [3].

Табиий офат натижасида ювилган тупроқларни механик таркиби ўзгарган, айниқса кучсиздан кучли ювилиш томон тупроқ йирик кум миқдори ($>0,25$) фракция билан бойиб борган, физик лой ва ил заррачалари эса камайиб борган [4].

Тадқиқот олиб борилган суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқлар механик таркиби кўра кум, кумлоқ, енгил кумоқ бўлиб, кесманинг физик лой заррачалар ($<0,01$) мм миқдори профил бўйлаб 8,7-27,8 % ни, йирик кум миқдори 0,2-22,1 % ташкил этади (1-жадвал).



1-жадвал.

Ўрганилган тупроқларнинг механик таркиби кўрсаткичлари, 2023й.

К есма №	Қатл ам чуқу рлиги, см	Заррачалари ўлчами мм да, миқдори % да								Физик лой
----------------	------------------------------------	---	--	--	--	--	--	--	--	--



	158	,5	1,0	8,1	8,2	,0	,8	,4	,1	
--	-----	----	-----	-----	-----	----	----	----	----	--

Йирик чанг заррачалари 16,7-62,8 % ни ташкил этади. Йирик чанг заррачалари маълум бир миқдорда ўрта ва майда чанг заррачалари кесмалар қатламларида устунлик қилган. Шу ўринида айтиш керакки ил заррачалари эса 1,6 – 8,7 % га (0,001 мм) тенг.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки қишлоқ хўжалигида

фойдаланилаётган ерларни яъни тупроқ тарк ибидаги қумли, қумлоқли, енгил қумоқли механик таркибли тупроқларни калматашлаш, унумдорлигини ошириш учун седратли экинлар экиш, тупроқ таркибидаги гумус миқдорини аниқлаш орқали органик ўғитларни табақалаштириб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қўзиев Р ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. Меъёрий ҳужжат, Тошкент, 2013. 52 бет.

2. Аринушкина. Е.В. Руководство по химическому анализу почвы. М., 1970 г.

3. Бердиев Т. Т. Сурхон-шеробод воҳаси чўл минтақаси суғориладиган тупроқларининг кимёвий ҳолати, физик-кимёвий хоссалари ва унумдорлигини ошириш йўллари. Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. Автореферати. Тошкент – 2018. 45.бет.

4. Bobonorov B.B., Ruzmetov M.I Улучшение состояния и продуктивности заводненных почв. International conference on analysis of mathematics and exact sciences, – Polsha, 2024. – №1(3). - P. 49–56.